



УЧ йилдирки, Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалиги сут етиштириш борасида вилоятда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу ерда парвариш қилинаётган 1156 бош қорамолнинг 410таси соғин сигирлардир. Шу кунларда уларнинг ҳар биридан тўққиз литрдан ошириб сут соғиб олинмоқда. Хўжаликда шу йилнинг олти ойи мобайнида режалаштирилган 489 тонна ўрнига 514 тонна сут тайёрланди.

Моллар маҳсулдорлигини ошириш, албатта, яратилган ем-хашак заҳирасига боғлиқ. Бу йил фермада 2300 тонна хашак тайёрлаш мўлжалланган эди. Ҳозиргача бу кўрсаткич 2100 тоннани ташкил этди. Озуқа жамғаришда ферма мутахассислари Абдувоит Аҳмадов, Баҳодир Икромов, Баҳром Тўйчиев, Муҳиддин Исломов ҳамда чорвадорлар Мирҳамид Мирсолиҳов, Аваз Ҳамдамов, Фарҳод Раҳимхўжаевларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

**СУРАТЛАРДА: ёш чорвадор Ф. Раҳимхўжаев танлаган касбидан миннатдор (юқорида); (пастда чапдан ўнгга) зоотехник А. Алматов ҳамда ферма мудири Б. Икромовлар ўзаро суҳбатда.**

**Владимир ГРАНКИН олган суратлар.**

# БОЙ БЎЛМАСАНГ... МЕН КАФИЛ

***ДЕҲҚОННИНГ** нияти ҳамиша холис, мақсади эзгу бўлиб келган. Хўжалик маъмурияти бу борада деҳқонни астойдил қўллаб-қувватласа, жамики шарт-шароитларни яратиб берса, руҳлантириб турса, табиийки, деҳқон яратадиган бойлигининг салмоғи ортиб бораверади. Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бўлиб, дала ишлари билан танишсангиз, шундай фикрлар дилингиздан кечади.*

Сир эмас. Бу хўжалик бир вақтлари қолоқлардан бири ҳисобланарди. Қўнимсизлик авжига чиққанди.

Мустақиллик туфайли деҳқонларнинг меҳнатга бўлган муносабати-ю, рағбати бутунлай ўзгарди. Янги раиснинг далдаси, руҳлантирувчи сўзлари меҳнаткашларни унумли ишларга чорлади.

— Сизларга ўргатишнинг кераги йўқ, — деди Эргаш ака Ниёзов. — Ернинг қадрига етинглар, «дарди хасрати»ни тинглаб, малҳам қўйинглар, бой бўлмасанглар, мен кафил!

Раис қуруқ гаплар билан чегараланиб қолмади. У қишлоқдаги деҳқонлар билан бақамти суҳбатда бўлди. Қалбларга йўл топди. Шундай қилиб, ташландиқ ерлар ижарачиларга узоқ муддатга бўлиб берилди. Асл боғбонлар, тажрибали чорвадорлар яна эл-юрт хизматида бўла бошладилар. Маъмурият уларга имконият яратиб бериш билан бирга кимнинг қандай ишлаши, нималарга қодирлигини кузатиб, таҳлил қилиб борди. Беш қўл баробар эмас экан. Айримлар адашиб, ер олганликларини ошкор қилиб қўйдилар. Ундайлардан ер қайтариб олиниб, қадрига етадиганларга берилди. Лекин аксарият деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Мўл ҳосил етиштириб, каттагина даромад олдилар.

— Эргаш аканинг яхши хусусиятларидан бири шуки, — дейди туман ҳокими Абдуғани ака Деҳқонбоев, — у алдам-қалдам ишларни ёқтирмайди. Одамларга ҳақиқатни очиқ айтади. Борига кўндиради. Қўлидан келган ёрдамни аямай, ишончни қозонишга ҳаракат қилади. Топилган даромадни ҳар кимнинг меҳнат улушига қараб бўлиб беради.

Даромад ҳам яхши бўла бошлади. Қишлоқни ободонлаштиришга эътибор кучайди. Чунки, йилдан-йилга ҳосилдорлик кўтарилиб, хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб борди. Айни кунларда хўжалик юз фоиз газлаштирилди. Ичимлик суви, электр билан тўла таъминланди. Мавжуд мактаб бинолари қайта таъмирланди. Янгисини қуриш бошлаб юборилди. Хўжалик тўлиқ радиолаштирилди ва телефонлаштирилди. Кўчаларга асфальт ётқизилди. Одамлар ўз меҳнатларининг самарасини амалда кўриб, касбларига меҳр ва ихлослари ортиб бораверди.

*Қишлоқ ва ислоҳот*

Хўжаликда иқтисодий тежамкорликка алоҳида аҳамият берилмоқда. Ортиқча сарф-харажатларга ўрин қолдирилмаяпти. Ҳамма даромад хўжалик кассаси орқали жамланиб, тақсимланади.

— Деҳқон ўз меҳнатига яраша рағбат кўраётир, — дейди хўжалик бош иқтисодчиси Баҳодир Одилов. — Энг муҳими шуки, уларнинг биздан, бизнинг эса улардан бирон сўм ҳам қарзимиз йўқ. Ўтган йилги ҳисобот бўйича одамларга 5 миллион сўмдан ортиқ пул тарқатилди. Абдулла Эргашев, Жўли Ортиқбоев, Раҳмон Очиловларнинг оиласи ўтган йилги меҳнат ҳақларига 80-100 минг сўмдан қўшимча даромад олдилар. Бу йилги меҳнат ҳақларини август-сентябрь ойлари учун ҳам олдиндан тўлаб қўйиш ҳаракатини қилаяпмиз.

Чилла ойи... Деҳқонлар чилла суви — тилла суви, деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун ҳам сувчилар меҳнатини ташкил этишга катта эътибор берилди. Уларга бир гектарга сув қўйганлиги учун 500 сўм ҳақ тўланди. Чопиқчилар ҳам меҳнатларига яраша ҳақни ўз вақтида олиб турибдилар. Ўтган ойда Барчиной Ортиқбоева 12 минг сўм, Жумагул Тошева 10 минг 500 сўм ҳақ олди.

Хўжалик ҳар соҳада илғор ҳисобланади. Бу йилги обҳаво ниҳоятда қийин келган шароитда ҳам пилла топшириш режаси 175 фоиз бажарилди. Ҳар қути қурт уруғидан 80 килограммдан ортиқ юқори навли пилла олинди. Зафар Шарипов, Давлат Абдураимов ва Фахриддин Ортиқбоев каби пиллакорлар энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Ғаллакорларнинг ҳам ютуғи салмоқли бўлди. Мавжуд 430 гектар майдондан режадаги 1093 ўрнига 1153 тонна сара дон топширилди. Пилла ва ғалла учун меҳнат ҳақлари юз фоиз тўлаб бўлинди.

Хўжалик маъмурияти деҳқонларнинг ўзлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг розилигини олиб, меҳнат ҳақи ҳисобига рўзғор учун керакли бўлган ёғ, гуруч, буғдой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беряпти. Газ, электр қувватидан фойдаланганликлари учун ҳам хўжалик меҳнат ҳақи ҳисобидан ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Бу билан деҳқонларнинг қимматли вақтлари тежалади.

Дарвоқе, деҳқон рўзғор ташвишидан ҳоли бўлса, унинг бутун фикр-ёди дала юмушларига ва бу юмушларни маромида бажаришга қаратилади.

Хўжалик меҳнаткашлари ҳозирги кунда 890 гектар майдондаги ғўзани парвариш қилишни қизғин давом эттирмоқдалар. «С-6524» навли пахтанинг ҳар гектаридан 26 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Айрим майдонлардаги ғўзаларнинг ўсишдан бироз орқада қолганлиги аниқланган эди. Бу майдонларга шарбат суви оқизилди.

— Яқинда тажрибакор деҳқонларимиз билан бирга-ликда пахта пайкалларини оралаб, ҳосил чўғини чамалаб кўрдик ва мамнун бўлдик. Теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, режамизни 150 фоизга етказиб бажаришимиз мумкин, деган хулосага келдик.

Раис бу гапларни ўзича айтгани йўқ. У одамларнинг фидойилиги, тажрибаси, кучғайратига ишониб айтди. Ишонч, албатта, оқланади!

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

# МУКАММАЛ ТЕХНИКАЛАР — ДЕҲҚОНГА

***ЎЗБЕКИСТОН** қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтида олиб борилаётган изланишлар натижаси ўлароқ турли янги ҳил агрегатларнинг нусҳалари юзага келди.*

— ПАХТА териш, ғалла ўриш ва ем-хашак тайёрлашда ишлатиладиган чет эл техникасини мамлакатимиз шароитига мослаштириш, шолини кўчат усулида экиб, етиштириш технологиясини яратиш, илғор тажрибалар асосида туркум тракторлар ишлаб чиқариш деҳқончиликни механизациялашда асосий ўрин тутмоқда, — дейди марказнинг етакчи мутахассиси Т. Фармонов. — Бу соҳада амалга оширилган техник изланишлар натижасида пахтачиликка мўлжалланган тўрт ғилдиракли универсал чопиқ тракторининг макети яратилди. Айни бир вақтда кенг қамровли сеялка ва культиватор макетлари ҳам юзага келди.

Тупроққа асосий ишлов берувчи «Магнум» трактори учун икки ярусли «ПДО-4-45» русумли плуглар нусҳаси тайёрланди. Бундан ташқари ўсимлик илдизлари қолиб кетган далаларни ҳайдаш учун махсус плуг ясалди.

«Магнум» тракторлари босиб ўтган ерлар остини юмшатувчи мослама ишлаб чиқарилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу қурилма тажриба синовидан яхши ўтмоқда.

Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхонаси «ПДО-4-45» икки ярусли плугни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шу яқин орада бундай плуглардан 30таси буюртмачилар ихтиёрига топширилади.

Институт пахта теришга ихтисослаштирилган горизонтал шпинделли машиналар бўйича техник маълумотларни тўплади ва шу асосда ундан фойдаланиш технологияси яратилди. Ўйлаймизки, бу техник янгилик ҳам деҳқон оғирини енгил қилиб, пахтачиликни меҳназациялашга хизмат қилади.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ДУНЁ ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

**воқеалар • мамлакатлар • одамлар**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

● ЯҚИН ШАРҚ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт дастлаб Миср президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак билан учрашди. Мулоқотда томонлар Яқин Шарқда тинчликни қарор топтириш ҳамда Исроил билан Фаластин ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Шундан сўнг М. Олбрайт Исроилга ташриф буюрди.

● ПОЛЬШАДА халқаро иқтисодий анжуман бўлиб ўтди. Унда минтақанинг ўнга яқин мамлакатларидан 600дан зиёд вакил иштирок этди. Анжуман очилишида Польша президенти А. Квасьневский сўзга чиқиб, мазкур йиғин айрим сиёсий масалаларни иқтисодий йўл билан ҳал этишда муҳим аҳамият касб этажаклигини таъкидлади.

● ТОЖИКИСТОН парламенти мамлакатда навбатдаги президент сайловини шу йилнинг 6 ноябрида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

● ШУ ЙИЛ 3-5 декабрь кунлари Мозамбикда президент ва парламент сайловлари ўтказилади. Мамлакат раҳбари Жоаким Чиссано шу ҳақдаги ҳужжатга имзо чекди.

● ХИТОЙ Халқ Республикаси пойтахти — Пекинда халқаро прокурорлар уюшмасининг товламачилик ва коррупцияга қарши кураш масалаларига бағишланган йиллик йиғилиши давом этди. Ушбу тадбир тўртинчи бор ташкил этилди. Йиғилишда турли давлатлардан 400га яқин вакил қатнашди.

● ИРОҚНИНГ жанубий ҳудудларига сафар қилган АҚШ конгрессменлари делегацияси вакили Филис Бенис дунё мамлакатларини Ироққа нисбатан қилинаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга чақирди.

# ДУНАЙ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

***УМУМАН** Болқонда, хусусан, Югославия атрофида бўлган қуролли можаролар атроф-муҳитга таъсир қилмай қолмади. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит дастури лойиҳаси асосида махсус гуруҳ юқоридаги муаммони тадқиқ қилишга киришди. Болқон бўйича ишчи гуруҳи мутахассислари тўққиз кишидан иборат бўлиб, улар бевосита масаланинг моҳиятини ўрганадилар.*

Ишнинг бошланиши сифатида қитъадаги катта сув манбаларидан бири — Дунай дарёсини муҳофаза этиш бўйича тузилган комиссия йўлланмаси билан мазкур комиссиянинг ижрочи котиби Иоахим Бендов, Болқон бўйича ишчи гуруҳи раиси Пеккой Хаависто Югославия маъмурлари билан учрашув ўтказдилар. Улар бир неча кун мобайнида Чехия Республикаси, Венгрия, Франция, Олмония, Руминия, Россия, Словакия ва Швеция вакиллари билан ҳамкорликда Дунайнинг тепа ва пастки ирмоқларидаги атроф-муҳитга бевосита алоқадор бўлган жойларни текширувдан ўтказадилар. Новисад, Панчево, Крагуеваце саноат корхоналари иш фаолияти ўрганиб чиқилади. Чунки, бу ерларда нефть қайта ишланадиган тизилмаларга жиддий зарар етган бўлиши мумкин. Дьердап сув ҳавзаси атрофидаги минтақалар ҳам бундан мустасно бўлмайди.

Олинган сув ва тупроқ йиғмалари текшириб чиқиш учун махсус ўрганиш марказларига топширилади. Бунда полихлорбифенил сингари ўта зарарли моддаларга алоҳида эътибор берилади. Текширувлар ниҳоясида маҳкамалараро гуруҳ аъзолари, атроф-муҳитни ўрганиш бўйича БМТ дастури лойиҳаси, атом энергияси бўйича халқаро агентлик ҳамда Швеция радиация институти ходимлари хулосаларни жамлаб, қўлга киритилган маълумотларни қиёслайдилар ва чиқарилган хулосаларни халқаро лозим ташкилотларга юборадилар.

## ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

● МАРТИН Борман Адольф Гитлернинг энг яқин сафдошларидан бири бўлганлиги маълум. У иккинчи жаҳон урушининг охирги кунларида Берлинда ўлган. Лекин, ўша пайтда жасад топилмаган эди. Шу боис М. Борман Лотин Америкасига қочиб кетган деган шубҳалар туғилганди. Бироқ, 1972 йилда топилган жасад замонавий асбоблар ёрдамида текширувдан ўтказилди. Генетик унсур М. Борманга тегишли эканлиги равшан бўлди. Шундан сўнг унинг хоки аниқ ерга кўмилмади. Яқинда эса куйдирилган жасад кули Болтиқ денгизи устига сочиб юборилди. Маълум даргоҳ зиёратгоҳга айланиб кетмаслиги учун шундай қилинди. Бу ҳақда Олмония ҳукумати вакили ахборот берди.

● АҚШдаги компаниялардан бири марҳумларни рангли мушакбозлик билан дафн этишни таклиф қилди. Илгарилари майийтнинг куйдирилган кули кўмиш учун ёхуд уммон сувлари устига сочиб юбориш учун берилarди. Энди компания ҳокни ракетага солиб, Сан-Франциско бўғози узра тўзғитишни тавсия этди. Бу тадбир 3200 доллар туради. Буни қарангки, ана шундай биринчи дафн маросими Ой юзасидан тупроқ йиғувчи фазовий аппаратлар тадқиқотчиси бўлган олимга насиб этди.

## УЗОҚНИ КЎЗЛАБ

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтоннинг оиласи Манхэттен шаҳридан 60 километр узоқликдаги Чаппакуо шаҳридан 1,7 миллион доллар турадиган уй сотиб олди. Эндиликда АҚШ президентининг рафиқаси Хиллари хоним Нью-Йорк штатидан АҚШ конгресси сенатига ўз номзодини кўрсатиш ниятида. Бироқ, бунинг учун у расмий равишда Нью-Йорк штатида яшаши керак. Мазкур уйнинг сотиб олиниши ушбу муаммони бартараф этади.

Оқ уй матбуот котиби Жозеф Локхартнинг айтишича, Билл Клинтон уйни сотиб олиш учун «Банкерс траст» молия корпорациясидан 1,3 миллион доллар қарз олган. Энди Б. Клинтон олган қарзи учун ҳар ойда 9,7 минг доллар ҳамда кўчмас мулк учун йилига 26 минг доллар солиқ тўлаб бориши лозим.

## БЕДАВО БЎЛГАЧ, БЕДАВО-ДА...

ЧИЛИНИНГ собиқ диктатори 83 ёшли Аугусто Поночет кутилмаганда яна шифохонага ётқизилди. Адвокатларнинг айтишича, генералнинг соғлиғи кескин ёмонлашган. А. Пиночетни даволаётган шифокор хулосасига қараганда, бемор 12та хавфли касаллик, жумладан, юрак, тромбофлебит, диабет ва нафас қисиш билан оғриган. У бедаво дардга йўлиққанлиги боис кутилмаган вақтда вафот этиши мумкин.

*XX асрнинг сўнгги юлдузлари*

# ТЎҚҚИЗ ФАРЗАНДНИНГ БИРИ

*Уни ҳамма ерда билишади. Ҳамма ерда танишади. Уни ҳамма ерда бажонудил тинглашади. У асримизнинг энг эҳтиросли, энг бахтли қўшиқчиларидан бири. Уни поп-мусиқанинг қироли деб аташади. У ҳар йили 25 мамлакатда концертлар беради.*

У айни пайтда энг раҳмдил инсон саналади. Яқинда жаҳон бўйича мусиқавий юриш давомида ўзи ташкил этган «Дунёни даволаймиз» жамғармасига 100 миллион доллар ўтказди. Ушбу пуллар болаларга, атроф-муҳитнинг мусаффоланишига сарфланади. Унинг номи Майкл Жексон.

Шинавандалари оддийгина қилиб Майк деб аташади. Майкл Жексон бундан қирқ бир йил илгари Индиана штатининг Гари деган шаҳарчасида туғилди. Яхши рандаланмаган тахталардан тикланган ёғоч уйда отасини, онасини таниди. Майкл Жозеф Жексон пўлат қуйиш заводида кранчи бўлиб ишлайдиган Жозеф Жексоннинг тўққиз боласининг бешинчиси эди. Унинг онаси Катрин Жексон фирма хизматчиси эди.

Унинг болалиги оғир кечди. Олти бола уч каравотни бирлаштириб ухлашарди. Уч қиз эса битта тўшакда ётишарди. Пул доимо етишмасди. Оиланинг ҳатто телефони ҳам йўқ эди. Ота уйидаги асосий ишларни болаларнинг зиммасига юклаганди. Унинг энг яхши иши оғир бўлишига қарамай, болаларининг ҳаммасини саводли қилди.

Майкл Жексоннинг айтишича, унинг мусиқий истеъдоди она томонидан бобосига бориб тақалади. «Онам ҳикоя қилишига қараганда дейди у, — бобом черковда хониш қилар экан. Мабодо деразалар очиқ бўлиб қолса, бутун водийга бобомнинг овози тарқалар экан». Майклнинг отаси Жозеф ҳам мусиқа ишқибози. У ҳатто рок гуруҳи таркибида гитарада қўшиқлар ҳам айтган. Лекин айтарли ютуққа эришолмаган. Қачонки болаларининг иқтидорини сезиб қолгандан кейин, у бутун кучини уларни юзага чиқаришга сафарбар этди. Шу тариқа Жеки, Тито, Жермен, Марлон ва Майклдан иборат «Бешовлон Жексонлар» гуруҳи юзага келди. 60-йилларда у анча-мунча ном ҳам қозониб улгурди. Ўшанда Майклнинг акаси Жеки: «Майклнинг эҳтиросига қойил қолмай иложимиз йўқ. У беш ёшиданоқ ҳаммамиздан устунлигини кўрсатди. Доим унга: «болакай, сен ажойиб яккахон бўласан, дер эдик». Шундай ҳам бўлди. Жеймс Брауннинг оташин ишқибози бўлган кичкина Майк унга тақлид қилиб, ўзининг йўлини топа борди.

Йиллар ўтаверди. Майкл Жексон борган сари мусиқанинг шоҳларидан бирига айлана борди. Ниҳоят 1969 йилда у ўзининг биринчи қўшиқлар тўплами «Дайана Росс бешовлон Жексонни таништиради» альбомини қўшиқ ишқибозларига тақдим этди. Унинг ичидаги «Мен қора бўлсам ҳам» қўшиғи кўп йиллargача тилдан тушмади.



Шу тариқа оиланинг иқтисодий аҳволи яхшилангач, ота Майкл билан жиддий шуғуллана бошлади. У ниҳоятда қаттиққўл эди. Болаларини ҳам шундай тарбия қилди. Мабодо Майклнинг қўшиқ айтаётгани отасига ёқмай қолса, у шу заҳоти қамчи еб қолиши ҳеч гап эмас. «Репетиция вақтида бирор нарса қилгудек бўлсам ё камар билан, ё қамчи билан отам аямай савалаб қоларди. Мен ҳайрон бўлардим. Сабабсиз калтаклардан безиллаб қолганман». Барибир Майкл ойнаи жаҳонда берган бир ярим соатлик суҳбати давомида: «Отам мени ҳар қанча урмасин, бадбашара деб атамасин, мен барибир отамни яхши кўрардим. Лекин қилаётган ишларини мутлақо тушунмасдим. Отам анча беор эди. Онамнинг олдида бегона аёлларга тирғилаверарди. Балки шунинг учун ҳам уни тушунмагандирман. Биз болаларнинг иши — отамизнинг қилиқларини ноилож томоша қилишдан нарига ўтмасдик».

Шундай шароитда ижод қилишига қарамасдан Майкл Жексоннинг қўшиқлари ҳаётга муҳаббат, одамларга яхшилик қилиш каби туйғулар билан тўлиб-тошган. Буни хонанданинг «Триллер» деб номланган пластинкага кўчирилган қўшиқлар туркуми ҳам тасдиқлайди. Ундаги ҳар бир қўшиқ — улар еттита — тингловчининг юрагини жунбушга келтиради. Ушбу туркумни «Биллборд» журнали бекорга «ҳамма давр ва ҳамма халқларнинг энг ажойиб қўшиқлари» деб эътироф этмади. У билан кетма-кет дунё юзини кўрган «Ёмон» альбоми, гарчанд ўзига хос яратилган бўлиб, дарҳол тилга тушиб кетган бўлса ҳам, номи туфайли Жексонга анча ноқулайлик келтирди.

Майкл Жексон ҳаётида болаларни ниҳоятда яхши кўради. Шунинг учун Санта-Барбара деган бойваччалар истиқомат қиладиган даҳада (бу даҳа Калифорния штатида жойлашган) ажойиб боғ яратди. Унга кириб сайр этган киши ўзини машҳур Диснейлендда юргандай ҳис қилади. Биридан-бири гўзал ҳиёбонлар, аттракционлар, қаҳвахоналар бетакрор услубда бунёд этилган. 2700 акр ерни эгаллаган бу боғ «Нетинебудет мамлакати» деб аталади.

Шундай буюк қўшиқчининг шахсий ҳаёти айтарли мақталадиган эмас. Кетма-кет қилинган пластик операциялардан кейин юзларини чандиқлар босиб қолди. У биров мени қора демасин деб шундай ишга қўл урган эди. Яқинда шифокорлар текширувида маълум бўлишича хонанданинг териси ҳадеб нур берилаверганидан юпқалашиб, турли юқумли касалликларга, чандиқларга мойил бўлиб қолган. Иш шундай давом этаверса врачлар Майкл гемотома ёки ундан ҳам баттар бўлган қон ракига йўлиқиши мумкин деб ҳавотирланмоқдалар. Ҳатто «Миррор» газетаси уни «юзи бадбашара ва чандиқлар билан қопланган» деб ёзгани учун хонанда газетани судга берди. 6 йил давом этган судлов жараёнидан сўнг газета таҳририяти кечирим сўраб, қутулди.

Оилавий ҳаёти ҳам айтарлик даражада яхши бўлмасада 150 миллион доллар атрофидаги сармоя эгаси Майкл Жексон янги-янги қўшиқлар ишқида ёниб яшамоқда. У ўғлини Принц (Шаҳзода) деб атади. Балки Майкл Жексон учун ўғли ҳам ажойиб бир қўшиқдир.

Қизиқ, унинг ҳеч қандай унвони йўқ. Ҳеч қандай мукофот олмаган. Лекин, беш қитъанинг қаерига бормасин уни танишади, қўшиқлари барчани ўзига ром этади.

Аслида хонанда учун энг буюк мукофот ҳам, унвон ҳам шу. Майкл Жексон эса бу мукофотга аллақачон сазовор бўлган...

**Темур ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

# ЖИНОЯТЧИЛИК — ИНСОНИЯТ ЗАВОЛИ

***ЧИНДАН** ҳам шундай. Қадим-қадимдан ҳар бир давлатнинг олий даражадаги раҳбарияти жамиятда рўй берадиган жиноятчиликка қарши шафқатсиз курашиб келади. Аммо, уни батамом йўқ қилиш ҳозирча ҳеч кимнинг қўлидан келмаётир.*

Олмониянинг Гармиш-Партенкирхен шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда ҳам ана шу мавзу ҳар томонлама таҳлил этилди. Мазкур йиғинни АҚШнинг текширув бўйича федерал бюроси ҳамда Жорж Маршал номидаги хавфсизлик муаммоларини ўрганиш Оврупо маркази ташкил этди.

Конференцияда Оврупо, Осиё ҳамда Америка Қўшма Штатларидан жами 21 мамлакат вакиллари қатнашди. Улар «Уюшган жиноятчилик — хавфсизлик нуқтаи назаридан» деган мавзуда мунозаралар юритдилар. Юқори малакали мутахассислар уюшган жиноятчиликнинг миллий хавфсизликка солаётган таҳдиди, шунингдек, бундай жиноятларнинг олдини олиш учун бир томонлама ёхуд кўп томонлама чоралар белгилаш масалаларини ўртага ташладилар. Сўзга чиққан Венгрия, Буюк Британия, Қирғизистон, Грузия ҳамда АҚШ вакиллари юқоридаги муаммонинг умумбашарий иллатга айланганлигини қайд этдилар. Текшириш бўйича федерал бюро директори ўринбосари Майкл Вейтис, миллий хавфсизлик бошқармаси бўлимлари бошлиғи Чарлз Мидлтон ва Роберт Бернхем, жиноий — қидирув бошқармаси бўлими бошлиғи Томас Фуэнтес, катта махсус агент Гвен Макклур ва бошқалар истиқболда уюшган жиноятчилик ва жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши кураш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар хусусида ўзларининг самарали фикрлари билан ўртоқлашдилар.

